



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 13 июнь куни Хива
шаҳрида Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

2023
9-IYUL

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ХОРАЗМНИНГ ЯНГИ “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ”НИ АЙТДИ

Учрашувни номзоднинг Хоразм вилояти бўйича ишончли вакили Рашид Рўзиев очди. У ўз сўзида Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Хоразм вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, одамларнинг турмуш сифатини ошириш бўйича эришилган натижаларни эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастур бешта стратегик мақсадни қамраб олган:

Биринчи мақсад – ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш. Иккинчи мақсад – одамларни ҳаётдан рози қилиш учун барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш. Учинчи мақсад – сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Тўртинчи мақсад – конун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш. Бешинчи мақсад – Янги Ўзбекистон хавфсиз ва тинчликсевар давлат.

Номзод мазкур йўналишларнинг ҳар бири бўйича Хоразм вилоятига оид режаларини баён этди. Умуман, бу ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун алоҳида етти йиллик дастур қабул қилиниб, унга зарур маблағ йўналтирилиши айtilди.

Учрашувда Хоразм вилоятидаги ўзгаришлар қайд этиб ўтилди:

– олти ярим йилда вилоят иқтисодиёти 1,3 марта ўсиб, 32 триллион сўмга етди, аҳоли жон бошига даромад 16,5 миллион сўмдан ошди;

– вилоятда боғчалар камрови 22 фоиздан 79 фоизга, олийгоҳларда эса 8 фоиздан 38 фоизга кўпайди;

– олдин биргина Урганч давлат университети бўлган, ҳозирга келиб 5 та давлат, 3 та нодавлат ва 1 та хорижий олийгоҳ фаолият кўрсатмоқда;

– талабалар сони 5 карра кўпайиб, 46 минг нафарга етди;

– 28 та замонавий шифохона ва поликлиникалар ташкил этилди;

– 500 мингдан зиёд аҳоли яшаётган маҳаллаларга марказлашган тармоқлар орқали сув етказиб берилди, сув таъминоти 2017 йилдаги 52 фоиздан 86 фоизга етди.

Шавкат Мирзиёев 2030 йилга қадар вилоятда мактабгача таълимга бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланиши ва камров ҳозирги 79 фоиздан 100 фоизга етказилишини маълум қилди.

Шу мақсадда қарийб 2 триллион сўм маблағ ҳисобига 500 га яқин янги боғча ташкил этилади.

– Келгуси етти йилда замонавий мактаблар барпо этиш, мавжудларининг қувватини ошириш ҳисобига қўшимча 90 минг ўқувчи ўрни яратилади. Натижада, вилоятда ўқувчиси 30 нафардан кўп бўлган синфлар қолмайди, – дея таъкидлади номзод (ҳозирда 2 мингдан зиёд синфда 35 та ва ундан кўп бола ўқийди).

Хоразмда аҳолининг сув таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиши айtilди.

– Аҳолининг замонавий уй-жойга ўсиб бораётган талабини қондириш мақсадида, 50 минг хонадонга эга 2 мингта кўп қаватли уйлар барпо этилади. Шу билан бирга, 2030 йилга қадар Урганч, Хива, Питнак шаҳарлари, Гурлан, Тупроққалъа, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа ва Янгиариқ туманларидаги 1 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланади. Бунга 100 миллион доллар йўналтирилади, – деб таъкидлади президентликка номзод.

Боғчаларда компьютер синфларини ташкил қилиш, бошланғич синф ўқувчиларига планшет тарқатиш Хоразмдан бошланиши маълум қилинди.

– Хоразмнинг “ташриф қоғози” ИТ бўлади. Аввало, “мактаб – олийгоҳ – ИТ компанияси”дан иборат яхлит ИТ таълим ва хизматлар занжири яратилади. Бунинг учун, вилоятда етти йилга мўлжалланган, рақамлаштириш соҳасида “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” деб номланган лойиҳага старт берилади. Биз боғчаларда компьютер синфларини ташкил қилиш, бошланғич синф ўқувчиларига планшет тарқатишни Хоразмдан бошлаймиз. Биринчи босқичда вилоятдаги 543 та мактабдан 110 таси танлаб олиниб, бошланғич синф ўқувчиларига “ноутбук” олиб берилади. Юқори синфларда дастурлаш, веб-дизайн каби соҳалар касб сифатида ўқитилади, – дея таъкидлади ўтди номзод.

Учрашувда Хоразмда авто ва электромобиллар ишлаб чиқариш учун 30 та корхонадан иборат машинасозлик кластери ташкил этилиши маълум қилинди.

– Питнакдаги автомобиль заводи қувватлари келгуси йилнинг ўзида ҳозирги 90 минг донадан, 150 мингга етказилади. Шу ернинг ўзида янги авто ва электромобиллар ишлаб чиқариш учун 30 та корхонадан иборат машинасозлик кластери ташкил этилади ва импорт бўлаётган 100 хил турдаги бутловчи қисмлар маҳаллийлаштирилади. Ушбу кластерларда 2030 йилга келиб, йилига 2 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, – деди номзод.

Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев хоразмлик сайловчилар билан учрашув чоғида кейинги етти йилда йўл, электр ва сув инфратузилмасига йирик миқдорда сармоя кири-

тилишини таъкидлади.

– 2025 йилдан Тошкент – Хива “Жалолиддин Мангуберди” тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилади. Бунинг учун, Бухоро – Урганч – Хива темир йўли 365 миллион доллар инвестиция ҳисобига электрлаштирилади. Келгуси етти йилда Хоразмда туризм учун, йўл, электр ва сув инфратузилмасига 200 миллион доллар сарфланади, – деди номзод.

Учрашувда келгуси йилларда илмий ташкилот ходимларининг иш ҳақи икки баробар оширилиши белгилангани маълум қилинди.

– Иқтисодиётнинг энг тез ўсиб бораётган йўналишларида амалий тадқиқотларни кучайтириб, “корхона – олийгоҳ – илмий ташкилот” кластер тизимини фаол қўллаб-қувватлаймиз. Келгуси етти йилда амалий тадқиқотларга давлат томонидан 4 триллион сўм, тармоқлар ва хусусий сектор томонидан ҳам яна шунча маблағ йўналтирилади. Шунингдек, Инновация жамғармасига 5 триллион сўм ажратилиб, янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Тил ва адабиёт, тарих, археология, маданият каби йўналишлар бўйича алоҳида илмий-тадқиқот дастурларини қабул қиламиз. Ушбу мақсадларга келгуси етти йилда 2 триллион сўм ажратилади. Келгуси йилларда илмий ташкилот ходимларининг иш ҳақи икки баробар оширилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда партия вакиллари сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлашини таъкидлади ва бошқаларни ҳам шунга чақирди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА.

ОШКОРА, ХОЛИС ВА АДОЛАТЛИ

Янги Ўзбекистонда Президент сайловининг асосий принциплари

Юртимизда 9 июлда бўлиб ўтадиган навбатдан ташқари Президент сайловига ҳозирлик кўриляпти. Навбатдан ташқари сайловнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110 ва 128-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ташкил қилади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Календарь режани тасдиқлади ва амалга оширмоқда. Бугунги кун-

да сиёсий партиядан 4 нафар расмий номзод рўйхатга олиниб, тарғибот ва ташвиқот ишлари жадаллик билан олиб бориляпти.

Демократик ҳуқуқий давлат ҳамда очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципларини рўёбга чиқариш, демократик сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун зарур шароит яратиш билан узвий боғлиқдир. Демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиш шароитида сайлов ин-

ститути халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг реал механизми ҳисобланади. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларида ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, мазкур муҳим халқаро ҳужжатнинг 21-моддасида халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши, бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бундай норма 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам акс этган.

(Давоми 2-саҳифада)

ОШКОРА, ХОЛИС ВА АДОЛАТЛИ

Янги Ўзбекистонда Президент сайловининг асосий принциплари

(Боши 1-саҳифада)

30 апрелда бўлиб ўтган референдум натижасида янги тахрирда қабул қилинган Конституциянинг 36 моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи кафолатланган.

Халқаро ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган асосий принципларга сайлов ҳуқуқининг умумийлиги кирди. Хусусан, Сайлов кодексининг 3 ва 27-моддаларида келтирилишича, Ўзбекистон Республикасида сайлов умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилиши белгиланган. Сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади.

Сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бевосита қатнашиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатларида дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузиб чиқилади.

Шу билан бирга, умумий сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг сайловда иштирок этиши ҳеч қандай ҳуқуқий қоидалар билан чегараланмаганини аниқлаб берилади. Ўзбекистонда бошқа демократик мамлакатларда бўлгани каби давлат бошлиғи сайловига оид қонун ҳужжатлари қатор чекловларга эга бўлиб, улар асло камситувчи хусусиятга эга эмас.

Конституцияга асосан суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан факат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Тенг сайлов ҳуқуқи принцигига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бир овозга эга. Аёл ва эркеклар бир хил сайлов ҳуқуқига эга, ҳарбий хизматчилар бошқа фуқаролар билан бир хил сайлов ҳуқуқидан фойдаланади. Сайловда ҳеч ким ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ҳамда мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ҳамда хусусиятига қараб устуворликка эга бўлмайди.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принцигига кўра, фуқаролар сайловда ўз хоҳиш-иродасини бевосита ифода этади. Овоз бериш жараёнида сайловчилар шахсий қараш ва фикрларидан келиб чиқиб, ўз танловини амалга оширади. Бунда агар фуқаро сайлов вақтида хорижда бўлса, у Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида тузилаётган сайлов участкасида овоз бериши мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида муддатидан олдин овоз бериш қоида кўзда тутилган. Сайлов кунини касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра, ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Сайловчи соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, сайлов участкасига кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этиши мумкин. Сайловда ихтиёрий иштирок этиш принципи – фуқаролар ушбу сиёсий тадбирда ўз хоҳишига кўра, ҳеч қанака мажбуриятсиз қатнашишини аниқлатади. Сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда сайловчи овоз беришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда зарурлиги масаласини ўзи ҳал қилади. Фуқарога ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишда қандайдир мажбурият юкланмайди. Мамлакатимиздан фарқли ўлароқ бир қатор давлатларда сайловда овоз бериш фуқароларнинг мажбурияти сифатида кўрилади ва ундан бўйин товлаш нафақат жарима тариқасидаги жавобгарликка сабаб бўлиши, айтилган озодликдан маҳрум этилиши ҳам мумкин.

Давлатимизда яширин овоз бериш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини ҳар қандай давлат органи, мансабдор шахслар, шунингдек, жамоат бирлашмалари томонидан назорат этишга йўл қўйилмайди. Қонунчиликда овоз бериш, шу жумладан, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайловчи турган жойда овоз беришнинг яширинлигини таъминлаш сайлов комиссияларининг асосий мажбури-

ятларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, яширин овоз бериш учун кабиналар ёки хоналар жиҳозланади. Уларда фуқаро сайлов бюллетенига белгини мустақил қўяди. Яширин овоз бериш вақтида кабинада овоз берувчидан бошқа бирор-бир кишининг ҳозир бўлиши, сайловчи таъсир кўрсатиши тақиқланади. Фуқароларнинг сайлов вақтида ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодаланишини таъминлашнинг яна бир омили – сайлов кунини ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловда ташвиқотига йўл қўйилмаслигидир. Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашаётган тилларда нашр этилади. Бундан ташқари, сайлов бюллетенларини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланиши мумкин.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартлардан яна бири адолатли сайлов принциpidir. Бу сайловларнинг даврийлигини қонун билан белгилаб қўйиш, сайловда кампаниясини олиб боришда номзодларга тенг имкониятлар тақдим қилиш, сайловларнинг очиқ ва ошкоралиги, сайлов жараёнининг барча босқичида кузатувчилар иштирок эта олиши ҳамда мустақил суд демакдир. Мустақил суд тизими сайлов жараёнини ноҳолислик, фирибгарлик ҳамда сохталаштиришдан самарали ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги сайлов ҳуқуқлари бузилиши ва сайлов жараёни субъектларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятларини кафолатлайди. Шундай қилиб, миллий сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг эркин танлов ҳуқуқини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Сайловларнинг ошкоралиги сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритишни кўзда тулади. Бутун сайлов кампанияси том маънодаги ошкоралик асосида ўтказилади. Ошкоралик сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш, жумладан, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш натижаларини аниқлаш ҳамда сайлов натижаларини белгилаш тадбирлари очиқ ўтказилишидан далолатдир.

Ҳар бир фуқаро сайлов жараёнида сайлов округи ва участкалари тузилиши, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ҳамда иш вақти, Президентликка номзодлар, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақида ахборот излаш,

олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқига эга.

Сайлов кодексининг 8-моддасида белгиланишича, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг, шунингдек сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхатлари билан таништирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ҳамда сайлов якунларидан хабардор қилади. Бундан ташқари, сайлов округлари ва участкалари, сайлов комиссиялари таркиби, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ҳамда сайлов якунлари ҳақидаги ахборот матбуотда эълон қилиниши қонун билан мустақамланган.

Сайлов кампаниясининг ошкоралигини оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда яна бир институт – маҳаллий ва хорижлик кузатувчилар таъминлайди. Қонунга кўра, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кунини санаб чиқишда Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Маълумки, демократик сиёсий тизимнинг самардорлиги фуқаролик жамияти, яъни фуқаро ҳамда давлат ўртасида кўприк вазифасини бажарадиган кўппартиявийлик институти етуқлигига боғлиқ. Этиборлиси, мамлакатимизда бўлажак сайловга кўппартиявийликни фуқаролик жамиятининг сиёсий стандарти сифатида белгилаб берган ва демократик принципларга асосланган сайлов қонунчилигига тўла мос ҳолда тайёргарлик кўрилмоқда ҳамда Президент сайлови бўйича сайлов кампаниясида рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар иштирок этапти.

Шуниси аёнки, жорий йилнинг 9 июль кунини ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда, жамиятда ижтимоий фаоллик ўсган, фуқароларнинг масъулияти ҳамда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларига талабчанлиги ошган бир шароитда бўлиб ўтмоқда.

Шохруҳбек ТИЛЛАБОЕВ,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси,
“Эл-юрт умиди” жамғармаси
стипендианти



ЭКОТУРИЗМ РИВОЖИГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Айдар-Арнасой кўллар тизими 1969 йилда Сирдарё хавзасида тошқин кузатилиши оқибатида Чордара сув омбори ва унинг куйи қисмида кузатилган аварияни бартараф қилиш мақсадида 21 млрд.3 метр микдорда сув ташланишидан ҳосил бўлган. Кўп йиллар давомида сув омборидан сув ташланиши натижасида 2006 йилда Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув ҳажми 42,1 млрд.3 метрга, кўлларнинг умумий юзаси 300 минг гектарга, узунлиги 250 километрга етган.

Кўллар тизимида сув ташлаш камайиши натижасида ундаги сувнинг минераллашуви йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айдар-Арнасой кўллар тизимида ҳаво ҳарорати кескин юқори бўлган арид иқлим шароитида ксерофит, псаммафит ва галофит ўсимликларнинг ривожланиши учун оптимал шароит мавжуд. Кўллар тизимининг Қизилкумга таъсири натижасида, қирғоқ бўйлари атрофида лентасимон шаклда тўқайзорлар шаклланиган ва кенг тарқалган. Бу тўқайзорлар соҳил бўйидан узоклашган сари ўсимлик формациялари ер ости сизот сувларининг чуқурлигига қараб, босқичма-босқич шаклланиб бораверади яъни, кўл қирғоқларида орол ва ярим оролларда қамиш ва қўғазорлар учраса, улардан кейин юлғунзорлар, шунингдек, грунт сувлари сатҳи чуқур бўлган майдонларда тупроқ қопламанинг шўрланганлигига қараб ёнтоқ ҳамда ажриқлар учрайди.

Ғарбий Айдаркўлдаги кумли ва кумоқ тупроқлари яхши конденсацияланиш қобилиятига эга, бу хусусият шундан иборатки, тупроқ қопламанинг сув режимида ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг таркибидаги намлик даражасини орттиради. Кумли ва кумоқ тупроқларининг табиий ҳолатдаги сув режими бошқа тупроқлардагига нисбатан анча яхшироқ, шу сабабли ўсимликлар тез ривожланади. Қизилкум чўлида эса, ландшафт ҳосил килувчи ўсимликлардан оқ саксовул (*Halaxylon persicum*) ва кум акацияси (*Ammodendron conollyi* Bunge), боялич (*Salsola arbuscula* Pall) кенг тарқалган бў-

либ, улар асосан қаторлашган тепали кумлар ҳамда бархан кум тепаликлари устида яхши ривожланган. Бу ҳудудда

■ Экотуризмнинг функционал таснифланиши қараб илмий ва саргузашт экотурларни;

■ Экотуристик сайёҳликнинг туялардаги экотурлар, вертолётдаги экотурларни ва яёв (пиёда) экотурларни ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

2. Шарқий Айдаркўл атрофи табиий ландшафтлари (Қизилкум чўли ва Шимоллий Нурота тоғлари билан туташ қисми):

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ушбу ҳудуди Навоий вилоятининг Нурота тумани ва катта қисми Жиззах вилоятининг Фориш туманлари ҳудудларида жойлашган.

Кўл Шарқий Қизилкум, жануби-шарқий томони Мирзачўл, жанубий қисми Нурота тоғ тизмаси билан чегарадош бўлган ўзига хос табиий шароити Айдар-Арнасой кўллари тизими учун жуда катта экотуристик, рекреацион имкониятларни ва ресурсларни ҳосил қилади.

Шарқий Қизилкумнинг жануби-ғарбида ҳайвонларнинг 39 тури ва 6 та туркуми учрайди. Улардан 2 тури (ондатра ва нутрия) кўл атрофи шароитларига мослаштирилган. Шунингдек, кўл атрофида яшайдиган ҳайвонларнинг 7 тури Халқаро “Қизил Китоби” га ва 4 тури Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган.

Ушбу ҳудудда:

■ Экотуризмнинг функционал таснифланиши қараб: овчилик экотурларни, даволаниш экотурларни, илмий экотур-

ларни ва саргузашт экотурларни;

■ Экотуристик сайёҳликнинг отлардаги экотурлар, туялардаги экотурлар, вертолётдаги экотурлар, яёв (пиёда) экотурларни ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

3. Тузкон кўли атрофи табиий ландшафтлари (Мирзачўл текислиги билан тузташ қисми).

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг бу қисми биологик ресурсларга бой, балиқ етиштириш, балиқ овлаш яхши йўлга қўйилган. Бу ерда балиқларнинг 22 тури мавжуд, улардан фақат 13 тури маҳаллий ҳисобланади. Айдар ботиғининг кичик-кичик кўлларида ва Тузкон кўлида қимматли овланадиган оқ дўнгпешона ва оқ амур балиқ турлари кўл иқлимига мослаштирилган. Балиқларнинг 14 тури (лакка, зогорабалиқ (сазан), оқча, оққайроқ ва бошқалар) қимматли овчилик аҳамиятига эга. Улардан бир тури Туркистон усачи - (*Barbus capito ssp. conocephalus* Kessler) Ўзбекистон “Қизил Китоб”га киритилган.

Ушбу ҳудудда:

■ Экотуризмнинг функционал таснифланиши қараб: овчилик экотурлари, саргузашт экотурлар, илмий экотурлар, маърифий-маънавий экотурларни;

■ Экотуристик сайёҳликнинг отлардаги экотурлар, туялардаги экотурлар, вертолётдаги экотурлар, каноэ ёки қайиқдаги экотурлар, яёв (пиёда) экотурлар, сув ости мосламалари орқали амалга ошириладиган экотурларни ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

4. Арнасой кўли атрофи ландшафтлари (Қизилкум чўли ва Мирзачўл текислиги билан туташ қисми) да:

■ Экотуризмнинг функционал таснифланиши қараб: илмий экотурлар, овчилик экотурлари, саргузашт экотурлар, экстремал экотурларни;

■ Экотуристик сайёҳликнинг туялардаги экотурлар, самолёт ва вертолётдаги

экотурлар, каноэ ёки қайиқдаги экотурлар, сув ости мосламалари орқали амалга ошириладиган экотурларни ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Кўл орнитологик экотур йўналиши бўйича барча имкониятларга эга, лекин улардан оқилона фойдаланиш эҳтиёткорлик талаб этилади. Бу ерда кўпроқ умумбашарий хавф остида турган жингалак сақоқуш (*Pelecanus crispus*), окбошли ўрдак (*Aythya leucocerphala*), ола қанотли ўрдак (*Aythya nyroca*), киронқора (*Aquila heliaca*), узун қуйруқ сув бургути (*Haliaeetus leucorhynchus*), тасқара (*Aegypius monachus*), йўрга тувалок (*Chlamydotis undulata*) учрайди. Кўл атрофидаги чўлларда эса қушларнинг 9 турини учратиш мумкин. Кўлда мавжуд 13 турдаги қушлар Халқаро “Қизил китоб”га ва 24 тури Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган.

Кўл соҳили флораларга ҳам жуда бой бўлиб, ўсимликларнинг 47 тури мавжуд, уларнинг 6 тури Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган, 16 тури эса, Марказий Осиё эндемиклари ҳисобланади. Шунингдек, кўл соҳиллари тўқайзорлар билан ўралган бўлиб, у сайёҳларга завқ бағишлайди.

Ҳозирда, Айдар-Арнасой кўллар тизими атроф ҳудудларида экотуризмнинг қуйидаги йўналишлари яъни, балиқ овлаш, сув хавзаларига саёҳат, орнитологик, сафари экотур йўналишлари ривожланган. Бундан ташқари сайёҳлар кўл соҳили бўйидаги замонавий кемпинглар ва миллий ўтовларда мазмунли ҳордиқ чиқариши, туя ва отда сайр қилиши, рекреация-соҳил бўйида дам олиши ва соғлиқларини тиклашлари мумкин бўлган тадбирларни амалга ошириш мақсад мувофиқ бўлади.

Р. МАДРИМОВ,
К. СОҚИЕВ,

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти ходимлари.

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН...

Мамлакатимизда жорий йилги ғалла ўрими-йиғими қизгин паллага кирди. Бободехқонларимиз томонидан етиштирилган сара бугдой бошоқлари пешма-пеш ўрилиб хирмонларга тўкилмоқда. Ёзнинг жазирама иссиғини бир йўла юрагининг йўлагига қуйиб олган фермер хўжаликлари, дон етиштирувчи агрокластерларнинг айни шу кунларда шашти баланд.

Оққўрғонлик миришкор дехқонларнинг ғалла ўрими-йиғимидаги бугунги жасорати албатта таҳсинга сазовор. “ADZ OQQO’RG’ONDON AGROKLASSTER” МЧЖга қарашли 7-бригада даласида бўлганимизда ғаллакорларнинг азму шижоатиға гувоҳ бўлдик. — Об-ҳавонинг инжиқликларига қарамай, 42 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирдик, — дейди биз билан суҳбатда кластерга қарашли 7-бригада бошлиғи Хайрулла Тоштемиров. — Ўтган йил билан солиштирганда бу йилги ғалла ҳосилининг чўғи баланд. Худо ҳоҳласа, гектаридан 70 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олмоқчимиз. Агар бу вазифаларимиз удаланса, ғалла хирмонига 300 тоннадан зиёд сара дон тўкилади.

Дарҳақиқат, бригада бошлиғининг сўзларига кўра йил давомида ғалла майдонларига етарлича эътибор қаратилганлиги аниқ. Ўз вақтида минерал ва маҳаллий ўғитлар далаларга сепилди, касалликка чалинмаслиги учун зарур препаратлар қўлланилди. Азим Сулаймонов, Улуғбек Авазов сингари бригада ишчиларининг мардонавор меҳнати зое кетмади. Экин майдони тўрт мартаба кондириб суғорилди. Кўриб турганимиздек ҳосилнинг чўғи чакки эмас. Бугун-эрта ўрими комбайнлари далаларни ларзага солади. Бригада заршунослари қисқа вақт ичида, 3 иш кунидан ўрими-йиғимни тугаллашга аҳд қилишган.

— Туман б ўйича режага кўра 34 минг 833 тонна ғалла топширамиз, — дейди



кластер раҳбари Шухрат Ҳамрокулов. — Бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар, имкониятлар етарли. 7-бригада энг чекка ҳудудлардан бири бўлсада, ҳосилнинг мўл эканлигидан кўз қувонади. Ўрими-йиғим ишларини уюшқоқлик билан олиб бориб, кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Ана шу мақсадлар йўлида тер тўкиб

меҳнат қилаётган кластер жамоасининг режалари янада катта. Улар ғалладан бўшаган майдонларга мош ва бошқа дуккакли экинлар экиб парваришлашни кўзлаб турибди. Бундан қутилган асосий мақсад эса ишчи-хизматчиларнинг даромадини янада яхшилаш ва моддий манфаатдорлигини таъминлашдан иборат.

Ашуралӣ БОЙМУРОД

БОШ МАҚСАД — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ, АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ

ADOLAT

SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Сиёсий майдонда халқчил ва ҳаётий ғоялари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўз номзодининг дастури орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдида Ватанимиз тараққиёти йўлида демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик

таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг социал-демократик моделини таклиф этмоқда.

Ҳаммамизга яхши маълум, яқиндагина бўлиб ўтган референдумда халқимиз алоҳида фаоллик, катта ишонч билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўллаб-қувватлаб овоз берди. Албатта, бунинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат, халқимиз орзу қилган янги ҳаётни қуриш мақсади мужассам. Зеро, адолатли жамият, демократик, ҳуқуқий давлат қуришга азму шижоат қилган эл борки, аввало, фаровонлик йўлидаги ислохотларни ўз Конституциясида акс эттиришга, бунда инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини барча кадрлардан устун қўйишга ҳаракат қилади.

Албатта, янги таҳрирдаги Асосий Қомусимизнинг қабул қилиниши масаланинг бир қисми, ҳолос. Галдаги асосий вазифа Конституциянинг устувор талаб, меъёр ва тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, улардан элимизнинг фаровон ҳаёти, муносиб турмуш тарзини янада яхшилашда самарали фойдаланишдан иборатдир. Токи халқимиз Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш руҳини ҳис этиб турсин.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод Робохон Маҳмудова халқимизнинг, шу жумладан, партиянинг асосий электорати бўлган юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳалари ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан, хизмат кўрсатиш соҳалари вакилларининг ҳаёти ва фаровонлиги янада юқори даражага кўтарилишини мақсад қилган ҳолда, ўз дастурида қатор устувор вазифаларни илгари сурмоқда.

Дастурда конституциявий аҳамиятга молик тушунчалар, хусусан, ҳуқуқий давлат, ижтимоий адолат, миллий иқтисодиёт, илм-фан, инновациялар, таълим, аҳоли саломатлиги, фуқаролик жамияти, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни каби кўплаб давримиз учун долзарб бўлган йўналишлар қамраб олинган.

Пировард мақсад — ҳуқуқий давлат қуриш

Дастурда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “Адолат” социал-демократик партияси учун олий кадрлар бу — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир!

Эътиборли томони шундаки, дастурнинг деярли бешдан бир қисмини ташкил этган биринчи йўналиш мамлакатимизда ҳуқуқий давлат бунёд этиш мавзусига бағишланган. Сабаби инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Шу боис, дастурда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун, биринчи галда, судлар мустақиллигини таъминлаш ва шу мақсадда судьяларнинг халқ депутатлари кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш таклифи илгари сурилган.

Бундан кўзланган мақсад, авваламбор,

Асосий Қомусимизда судларга доир бўлган талабларни ҳаётга татбиқ этиш йўли билан уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирда судьяларимиз халқ депутатлари кенгашларида мунтазам равишда ўз фаолияти хусусида берган ахборотлари давомида ўзлари томонидан чиқарилган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юритувда бўлган ва ниҳоясига етмаган ишлар бўйича савол-жавоб қилишга мажбур бўлмоқда.

Тўғри, депутатларимиз ҳам ўз сайловчилари манфаатидан келиб чиқиб савол-жавоб қилиши табиий, лекин бу, бугун биз мустақил деб атаётган судлар фаолиятига тўғридан-тўғри аралашши эмасми? Бир қатор илғор хорижий мамлакатларда бундай ҳолат судлар мустақиллигига таҳдид соладиган омил сифатида баҳоланади.

Шу боис, янгиланган Конституциямизнинг 130-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 136-моддасида эса судьялар ҳисобдор бўлмаслиги қатъий белгиланиб, уларнинг фаолиятига аралаштириш омиллари бартараф этилди.

Шу билан бирга, “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод судларни ҳаётда ҳақиқатан адолат кўрсатишига эришиш мақсадида судьялар сонини кўпайтириш, уларнинг ихтисослашувини янада кенгайтириш, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини шакллантиришни таклиф этади.

Судьялар фаолиятидаги бундай ўзгаришлар одил судлов сифат ва самарадорлигини кўтаришга қаратилган. Агар масалага оддий кўз билан қарасак, шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тегишли кўплаб янги қонунлар қабул қилиб борилмоқда.

Бундай вазиятда ҳар қандай юқори билимли ва катта тажрибага эга ҳуқуқшунос ҳам барча соҳалардаги ўзгаришларни мукамал ўзлаштириб, қамраб олиши қийинлигини инкор этиб бўлмайди. Энг асосийси, суд ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фуқаро ва тадбиркорлар сансоларлигининг олдини олиш учун судьяларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини кенгайтириш зарур бўлади.

Масалан, оилавий судлар АҚШ, Хитой, Германия, Сингапурда самарали фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, 2022 йил давомида Ўзбекистонда 56 интеллектуал, 58 минг 403 солиқ, 40 минг 198 оилавий низолар, 48 минг 857 вояга етмаганлар билан боғлиқ иш кўриб чиқилгани, бу ишларнинг барчаси ихтисослашмаган судьялар раислигида ҳал этилганлиги масалага янгича ёндашувни тақозо этади. Шунинг учун ҳозирда энг долзарб ҳисобланадиган соҳалар, яъни оилавий,

меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолият кўрсатаётган судьялар орасидан танлаб олиб, уларни ихтисосликка йўналтириш керак бўлади. Жамиятда қонун асосида яшаш ҳаёт



тарзимизга айланиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, Конституция ва қонунларнинг устуқлигини таъминлашимиз шарт. Бу борада Конституциямизда илғор ҳуқуқий механизмлар кўзда тутилган бўлиб, жумладан, давлат хизматига ишга қирадиган ҳар бир ходимни Конституцияни билиши бўйича синовдан ўтказиш лозимлиги ҳақидаги таклиф илгари сурилган.

Бундай тартиб жорий этилиши, албатта, ўз самарасини бермай қолмайди. Чунки, Асосий Қонунимизнинг қатъий мезонларидан хабардор иш берувчи раҳбар ҳеч қачон қўл остида ишловчи ходимга нисбатан ноқонуний йўл тутмайди, шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлади. Зеро, қонунларни билган оддий фуқаролар ҳам ҳуқуқбузарликдан йироқ бўлади. Демак, бу орқали биз мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар содир бўлишининг ҳам олдини олган бўлаемиз.

Умуман олганда, партиядан кўрсатилган номзод амалдаги қонунчиликка киритилган илғор нормаларни ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этишда фаол қатнашишини маълум қилган.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири, шубҳасиз, бу — инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминланишидир. Бунда эса адвокатура институтининг ўрни ва роли бекиёсдир. Шу боис, янгиланган Конституциямизнинг XXIV боб 141-142-моддаларида адвокатлар мақоми мустаҳкамланиб, уларнинг прокурор билан тенг конституциявий мақомга эга эканлиги қайд этилгани ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу билан бир қаторда, адвокатура институтини ривожлантириш борасида навбатдаги қадамларни қўйишда, жумладан, улар учун ҳуқуқий меъёрларда белгилаб берилган ваколат ва имконият-

лар ҳаётга тўлақонли татбиқ этилишида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзоднинг ўз қарашлари бор, албатта.

Бу мақсадга эришиш учун адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш жоиз. Айниқса, адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашувини янада яхшилаш чораларини кўриш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, дастурда кам аҳамиятли хатолар учун нотариуслар фаолиятини

тўхтатиб туриш амалиётига барҳам бериш, биринчи мартаба ёки қўпол бўлмаган хатолар учун нотариусларга жарима қўллаш амалиётини йўлга қўйиш таклиф этилган. Чунки ҳудудларда шусиз ҳам етарли бўлмаган нотариусларнинг фаолияти вақтинча тўхтатиб турилиши орқасидан оддий фуқаролар турли овоз-рағарчиликларга дуч келмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, “Адолат” социал-демократик партиясини маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари устидан депутатлик назоратини кучайтириш орқали халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ролини ошириш тарафдори. Ушбу йўналишда партия давлатда бошқарув интизомини сақлаб қолиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари ҳокимларга нисбатан ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий адолатни қарор топтириш йўлида

Анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли дастурларининг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли ижтимоий давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси барча соҳаларда ижтимоий адолатни қарор топтиришни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этади.

Янгиланган Конституциямизда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белги-ланган. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчи-лигимизда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қий-матда (бозор қийматида) қопланиши таъ-минланиши кафолатланмоқда.

Номзод дастурида мазкур конститу-циявий қонун таъминлаш учун ўз да-роми билан уй-жойли бўлиш имкони-ятига эга бўлмаган фуқароларга қўшимча имкониятлар яратиш чораларини кўриш белгиланган. Жумладан, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича “Ижтимоий давлат — 2030” дастурини ишлаб чиқиш тақлифи илгари сурилмоқда.

Аҳоли саломатлиги — улкан бойлик

Номзод давлат ҳисобидан кўрсати-ладиган тиббий хизматлар ва дори воси-талари рўйхатини такомиллаштириш, ижтимоий дорихоналарни ривожлан-тириш, оғир касалликларни давлат то-монидан даволашни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ордидан беморларга ҳаддан зиёд кўп дори сотиб олишга ундаш авжига чиқиб кетганлиги бор гап ва бу салбий ҳолат барчамизни ташвишга солмоқда.

Афсуски, Ўзбекистон антибиотиклар истеъмоли бўйича жаҳонда етакчи ўрин-ларга чиқиб кетди. Тиббиёт муассасала-ридаги айрим тадбирларга очиқчасига фармацевтика ташкилотлари томонидан ҳомийлик қилинади. Бунга чек қўйиш вақти келди. Миллат соғлиги ва генофон-ди ҳам шу масалаларга боғлиқ.

Тиббиёт соҳасидаги бундай муноса-батлар тўғридан-тўғри коррупция сифа-тида баҳоланиши лозим. Тиббиётчилар ва фармацевтлар ўртасида ноқонуний мулоқот тўлиқ тақиқланиши керак, бун-дай мулоқотлар ва энг ичида берилает-ган совғалар учун жазо муқаррар бўли-ши, янги дорилар ва даволаш услублари фақат вазирлик томонидан тушунтири-лиши лозим. Умуман, партиядан номзод тиббиёт соҳасидаги давлат харидлари бўйича алоҳида тартиб белгилаш тараф-дори.

Шундай қилинса, дориларнинг яго-на электрон базасини янада такомил-лаштириш орқали дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасига, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги яши-рин келишувларга ҳамда дорилар нар-хининг асосиз оширилишига чек қўй-илади.

Дастурда соғлиқни сақлаш тизими-ни ижтимоий давлат тамойилига му-вофиқлаштирган ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси” лойиҳасини янада такомил-лаштириш, унда соғлиқни сақлаш соҳа-сида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъ-минлаш масалаларига ҳам алоҳида эъ-тибор қаратилган.

Зеро, аҳолининг кафолатланган тиб-бий хизматлардан фойдаланиши янги-ланган Асосий Қомусимизда ҳам ўз акси-ни топган. Бу аҳоли соғлигини ишончли муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юкумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демо-кратик партиядан кўрсатилган ном-

зод нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат таш-килотига ўтказиш бўйича амалий чора-ларни кўриш тарафдори. Бунда хусусий тиббиёт муассасаларининг ҳам пировард мақсади фақат даромад олиш эмас, бал-ки рақобатбардошлик муҳитида аҳоли-га сифатли ва кафолатли тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган бўлиши лозим. Зеро, инсоннинг энг катта бойлиги бўл-ган саломатлигини сақлашга қаратилган тиббиёт даромад олиш манбаига айлан-маслиги керак.

Таълим ривож — тараққиётимиз кафолати

Маълумки, янгиланган Конституци-ямизнинг 52-моддасида давлат ўқитув-чиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши ҳақидаги норма ўз аксини топ-ди.

Шундан келиб чиқиб, номзод дасту-рида ўқитувчининг обрў-эътибори — бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг об-рў-эътибори эканига алоҳида урғу бе-рилган. Партия педагог ходимларнинг нуфузини ошириш ҳамда юксак мақо-мини белгилаш орқали уларнинг жами-ят ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни кўриш тарафдори. Шу мақсадда ўқитувчининг мақомига оид қонуннинг тезроқ қабул қилиниши дастурда устувор масала си-фатида эътироф этилган.

Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичида замонавий илм-фан техноло-гияларининг татбиқ этилиши муҳим роль ўйнайди. Шу боис, номзод 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муас-сасаларининг бакалаврият йўналишига киришувчунинг тилини билиш бўйи-ча миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш тартибни жорий этишни тақлиф қилади. Бу, ўз навбатида, талаба ёшлари-мизнинг халқаро даражада рақобатбар-дош мутахассис бўлиб етишишига хиз-мат қилади.

Дастурда илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш орқали фан — таълим — ишлаб чиқариш тизимларининг узвий алоқдорлигини таъминлаш лозимли-ги қайд этилган. Дарҳақиқат, адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишда таълим, илм-фан ва инновацияларнинг аҳамияти беқиёс. Шу сабабли, дастурда нафақат олимларни, балки ихтиро ва их-тирочиларни ҳам қўллаб-қувватлаш, рағ-батлантириш ва уларга зарур шарт-ша-роитлар яратиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, интеллектуал мулк объ-ектларини ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига нисба-тан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, иктисодиётнинг ҳақиқий драйвери бўлган муҳандис, технолог, агроном-механизатор каби мутахассис-лар сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш чоралари ҳам устувор вазифалар сифатида келти-риб ўтилган.

Мамлакатимизда илмий тадқиқотлар-дан олинган ижобий натижаларни тибби-ёт ва соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехноло-гиялар, гидрология ва сув муаммолари, энергетика, муқобил энергия манбалари ва ресурстежамкор технологиялар, эко-логия ва атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларга жорий қилиш ишларини изчил олиб бориш орқали давлатнинг иктисо-дий кудрати янада мустаҳкамланади, ал-батта.

Миллий иктисодиётимизнинг барка-рор ўсиши — фаровон ҳаётимизнинг ка-фолати. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда иктисодиётнинг реал секторида илмий ва инновацион ишланмаларни ти-жоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкор-лик алоқалари нисбатан паст бўлиб қол-моқда.

Шу боис, дастурда мамлакатимиз-да инновацион ривожланишни жа-даллаштириш, иктисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва техно-логияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини илм-фан ва инновация соҳа-ларини ривожлантириш йўлидан бориш лозимлигига алоҳида эътибор қаратил-моқда.

Маълумки, бугунги кунда респу-бликамизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга ошири-либ, соҳада самарадор лойиҳалар ишга туширилмоқда. “Адолат” социал-де-мократик партиядан кўрсатилган номзод муқобил энергия манбалари ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш ғоясини қўллагани ҳолда, бу жараён рағбатлантирилиши, зарур ҳолларда муқобил энергия манбалари кам таъминланган аҳоли қатламлари-га давлат ҳисобидан имтиёзли бери-лишини янада кўпайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

Зеро, партия мамлакатимизда сано-атни янада ривожлантириш тарафдори. Саноат эса электр энергиясиз ривожлан-майди. Бунинг учун нафақат атом энерге-тикаси, балки муқобил электр манбала-ридан кенгроқ фойдаланиш чораларини кўриш тақлиф этилмоқда.

Табиийки, республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиёт-нинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яқин келажакда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, қишлоқ иктисодиётини ин-новацион ривожлантиришда, камбағал-лик муаммоларини ҳал этишда ижобий натижалар беради.

Бироқ бугунги кунда қишлоқ хўжали-ги соҳасида об-ҳавонинг кескин ўзгари-ши, сув танқислиги, ер шўрланиши каби хатарлар орғиб бормоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган тад-биркорлар ҳамда жисмоний шахслар-нинг катта муаммоларидан бирига айлан-моқда.

Номзод қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва сугурталашнинг янги ме-ханизмларини амалга ошириш тарафдо-ри. Бу борада номзод дастурида қишлоқ хўжалигида сугурталаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан, “Қишлоқ хўжалиги таваккал-чиликларини сугурталаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш тақлифи илгари су-риляпти.

Янгиланган Конституциямизнинг 67-моддасида монополь фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чеклани-ши алоҳида белгилаб қўйилгани бежиз эмас, албатта. Зеро, иктисодиёт фақат эркин рақобат муҳитидагина ривож то-пади.

Номзод ижтимоий объектлар ва энг муҳим стратегик объектларда давлат мулкни сақлаб қолиш тарафдори, лекин бунда фуқароларга танлов имкониятини берадиган хусусий сектор ҳам ривожлан-тирилиши керак, деб ҳисоблайди. Шун-дагина ижтимоий адолат таъминланган бўлади.

Шу билан бирга, партия ижтимоий аҳамиятга молик, фуқаролик ташаббу-

сларини қўллаб-қувватлайди, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда ҳо-мийлик фаолиятини кучайтириш тараф-доридир.

Фуқаролик жамияти — демократик тараққиёт асоси

Нодавлат нотижорат ташкилот-ларининг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳа-ларида муаммоларни ҳал қилишдаги фаол иштироки партиядан доимий диққат-эътибори марказида бўла-ди. Зеро, кишилик тараққиёти ҳам-ша кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари олға юришдан иборат бўлган. Шундай экан, мамлакатимиз фуқароларининг турли нодавлат ноти-жорат ташкилотларида фаолият юри-тиши айна пайтда уларнинг ҳуқуқий, сиёсий, маърифий билими ошишига, маънавияти юксалишига, ватанпар-варлик туйғуси кучайишига хизмат қи-лади.

Фуқаролик жамиятини ривожланти-риш, аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлиги орғиши учун партия ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг, жумладан, маҳаллалар-нинг тараққий этишини қўллаб-қув-ватлайди. Шунингдек, дастурда ОАВ мустақиллиги ва эркинлиги, журна-листнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни янада кенгайтириш олдимида турган муҳим вазифалардан бири экани алоҳида қайд этиб ўтилган.

Албатта, эркин матбуотсиз жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари ҳамма замонларда ҳам халқ ва ҳокимият ўрта-сидаги ишончли кўприк бўлиб қолиши лозим.

Олиб борилаётган ижтимоий-сиё-сий, иктисодий ислохотларнинг очиқ ва ошқоралигини таъминлашда ОАВнинг фаоллигини янада ошириш, давлат ҳо-кимияти ва бошқаруви органлари фа-олияти устидан жамоатчилик назора-тини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда унинг ролини кучайтириш, моддий-техник базасини янгилаш, уни технологик мо-дернизация қилиш, журналист касби нуфузини ошириш, соҳа ходимлари-нинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари ҳам да-стурдан ўрин олган.

Номзод дастурида шу ва шу каби кўп-лаб аҳамиятга молик олийжаноб ва эзгу мақсад-вазифалар белгиланган. Улар адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат ку-ришга — ижтимоий ислохотлар сама-раддорлигини таъминлаш, меҳнаткаш халқимиз учун муносиб фаровон ҳаётни барпо этиш, мамлакатимизда барқарор-ликка ва ижтимоий адолат устуворлигига эришишга қаратилгани билан аҳамият-лидир.

Ишонамизки, партиядан бундай улуғвор мақсадлари сайловчилар томо-нидан қўллаб-қувватланади!

Ўзбекистон — бизнинг умумий уйи-миз. Шундай экан, унинг ҳар бир фуқаро-си эркинлик ва адолат, тинчлик ва фаро-вонликда яшашига ҳақлидир!

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат-ни биргаликда курамыз!

Она Ватанимизнинг барча фуқарола-рини Президент сайловида фаол ишти-рок этишга чақирамиз!

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
раиси

ТУҒМА ОҚСОҚЛИКНИ ҲАМ ДАВОЛАШ МУМКИН

Тажрибали ва ўз соҳасида муҳим ихтиролар қилган шифокор-ортопед, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Аъзам Аҳтамов билан ўттиз бир йил аввал қурган суҳбатимиз оммавий ахборот воситаларида “Туғма оқсоқликни худо берганми?” сарлавҳаси остида чоп этилганди. У айти пайтда Самарқанд давлат тиббиёт университетининг травматология-ортопедия кафедрасида ишлайди. Тиббиётда умумий иш стажини 42 йил бўлса, шунинг 32 йили педагогика билан чамбарчас боғлиқ. Собиқ СССР даврида ёқлаган илмий иши “Уч ёшгача бўлган болаларда учрайдиган чанок бўғимининг туғма чиқишини қонсиз даволаш” деб номланади ва у ўз даврида янгилик бўлганди. Навбатдаги суҳбатимиз ҳам долзарблигини йўқотмаган ўша муаммонинг бугунги ҳолати ҳақида бўлди.

— Аъзам ака, газетхонларимизга илмий ишингиз янгилиги ҳақида, жумладан, илмий ишингиздаги “қонсиз” деган сўзда нима назарда тутилишини қисқача изоҳлаб берсангиз.

— Қонсиз деганда жарроҳликсиз (операциясиз) даволаш усули назарда тутилади. Илмий ишнинг бошқа асосий жиҳати шундаки, мазкур касаллик эрта аниқланади. Икки-уч ойликкача бўлган чақалоқдаги нуқсонни рентген нурлари кўрсата олмайди. Чунки бу пайтда тоғай суякка айланиб улгурмаган бўлади, тоғайни эса рентген нурлари кўрсата олмасди. Шу боис, ташхис қўйиш ва даволашда тахминларга асосланилади. Бизнинг тадқиқотимиздаги тажрибаларга асосланиб, энди ультратовуш тўлиқлари воситасида чақалоқдаги чанок-сон бўғимининг номуносивилигини аниқлаш мумкин. Туғма чиқиш аниқлангач чақалоқ 3—4 ойлик бўлгунча қадар махсус усулда йўргакланади, турли мослама(шина)лар ёрдамида, кейинчалик эса гипсли бойламалар ёрдамида даволанади.

Ҳали юришни билмайдиган чақалоқнинг оқсашини ота-оналар аниқлай олмайди, албатта. Бунинг учун дастлаб чақалоқ туғилганда, 4—5 ойлигида, кейинчалик тетапо я бўла бошлаганда ота-она уни ортопед назоратидан ўтказишлари, қоматда номуносивилик ёки бирор нуқсон кузатишганда ортопед шифокорга мурожаат қилишлари зарур.

Афсуски, баъзилар оқсоқликни худонинг иродаси, дейишади. Аслида ўтмишда табиблар бу нуқсонни вақтида аниқлай олишмаган. Одамлар ҳам оқсоқлик пешонада бор экан, начора, бу давосиз дард, деган фикрда лоқайд қарашган. Ҳатто, бугунги кунда ҳам баъзи ота-оналар боласида нуқсон сезганда “яхши бўлиб кетар” деган хаёлда мутахассисларга ўз вақтида кўрсатишмайди. Боланинг юрайдиган ёшга етиб юролмаётганини кўргачгина мурожаат этишади. Кечикиш оқибатида даволаш қийинлашади. Бизнинг шифо усулимиз икки ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган. Лекин энг яхши натижага эришиш учун эртарок, туғилгандан даволашни бошлаш керак. Икки ёшгача эса жарроҳлик амалисиз (операциясиз) даволаса бўлади.

Жарроҳлик билан даволаш дегани

суяк синдирилиши, зарурат бўлса кесиб қисқартирилиши назарда тутилади. Сўнг жойига бириктирилиб, гипсланади. Кўриниб турибдики, бунда бемор қаттиқ азоб чекади.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маймоқлик, бўйин қийиқлиги, скалиоз каби касалликларнинг юзтадан етмиш бештасида туғма чиқиш касаллиги кузатилади.

— Уларнинг ҳаммасига ногиронлик даражаси бериладими?

— Авваллари бериларди, лекин ҳозир ижтимоий-иқтисодий шароити ҳисобга олиниб беморларга нафақа белгиланади.

— **Ногиронлик учун давлат томонидан қанча пул берилди, деган саволга жавобни интернет тармоғидан излаганимизда “16 ёшгача болалиқдан ногирон болаларга — 513350 сўм (01.09.2020 йил ҳолатига 513 350 сўм);” маълумотига дуч келдик (бу ҳақда қаранг: <https://yuz.uz/news/nogironlik-nafaqasi-kimlarga-tayinlanadi>). Бошқа манбада “Болалиқдан ногиронлик учун нафақа миқдори иш ҳақи ва ижтимоий нафақалар билан бир қаторда Президент фармонига асосан ошириб борилиши мумкин”(https://uz.uz/uz/posts/nogironlik-nafaqasi-kimga-achon-ay-tartibda-beriladi-11-11-2019), дейлади. Бу нафақани бир боланинг ўсиб-улғайиши, умрбод даврига кўпайтирсак анчагина маблағ ҳосил бўлади. Сиз яратган шина ва бошқа муолажа жараёнига қанча маблағ, қанча вақт сарф бўлади?**

— Шина ясаш учун кичик пружина, ёйчаси, пахта матосидан материал ва мачалки (губка) керак бўлади. Тўрт ой бемор болада қўлланилади, бу фурсатда чиққан бўғин тўғриланади. Кейин олти ойдан саккиз ойгача керувчи шина қўлланилади. Шинанинг ҳозирги кундаги нархи 75 минг сўм. Жами ўртача 165 минг сўм талаб этилади ҳолос...

— Бу касаллик бўйича қайси вилоят қай аҳволда?

— Жаҳон бўйича Марказий Осиёда соннинг туғма чиқиши касалликлари кўп. Марказий Осиёда Ўзбекистон, Ўзбекистонда эса Самарқанд вилояти туғма чиқиш касалликларининг ўчоғи ҳисобланади.



— Икки томонлама туғма чиқиш ҳам бўлиши мумкинми?

— Учрайди, улар кеч тетапо я бўлади. Қолаверса, икки томонлама чиқишда бола оёққа турганда ўрдакчага ўхшаб юради. Шунда ҳам баъзилар “юра бошладику”, дея боласини мутахассисга олиб бормайди. Ўрдакча юриш икки ярим ёшда ҳам тузалмагандан кейин мутахассисга учрашга мажбур бўлади. Энди даволаш қийин кечади. Яъни рентген қилинганда икки томонлама чиқиш аниқланади ва энди жарроҳлик амалиёти ўтказишга мажбур бўлаемиз. Юқорида айтдик жарроҳлик амалиётида бемор қийналади. Шу боис буни туғруқхонада аниқлаш керак.

Бунинг учун туғруқхоналарда штат бўйича ортопед йўқ. Бўлган тақдирда ҳам унга маош бериш учун ғазнада пул йўқ...

Катта туғруқхоналарда кунига ўртача ўн олтигача, қолганларида саккизгача бола дунёга келади. Ортопедлар ҳафтасига икки ёки уч кун борса уларни тўлиқ камраб текшириб кўришга шароит яратилади ахир. Борганда ҳам асосий иш жойидаги юмушларидан сўнг вақт ажратади. Муҳими нафақат маош, балки унга жавобгарлик ҳам юкланади.

— Шундай тажрибага эга давлатлар борми?

— Бор. Масалан, Украинани олинг. Туғруқхонада туғма чиқишни аниқлаш бўйича ортопед ажратилган. Бола уч ёки тўрт ойлигида ўзи яшайдиган худуд поликлиникасида ультратовуш орқали қайта текширилди. Мабодо туғма чиқиш кеч аниқланса туғруқхонадаги акушер-гинеколог ва неонатолог(янги туғилган чақалоқнинг турли патологияларини даволайдиган шифокор)га касалликни вақтида аниқлай олгани учун бир ойлик маоши миқдоридан жарима белгиланади. Бу масъулиятни унутмаган ҳолда ҳар бир шифокор сидқидилдан меҳнат қилади. Умуман олганда, туғма чиқишни туғруқхонада аниқлаш ва болани ногиронликдан асраш учун ортопед-шифокорга берилган 0,25 ставка маош келгусида ногиронликка ажратиладиган нафақалардан минг баробар кўпроқ миқдордаги маблағ давлат ғазнасида қолишига сабаб бўлади.

— Махсус усулдаги йўргаклаш, турли мослама(шина)лар, бойлама-

лар борасида гапирдингиз. Шулар ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

— “Болаларда соннинг туғма чиқишини даволаш усули” (патент №1651883.1.02.1991) ишлаб чиққанлигимиз ҳақида сиз билан ўттиз йил аввал гаплашгандик. Бугунга келиб уни такомиллаштирдик. Яъни “Соннинг туғма ностабиликлари туғма ярим чиқиш ва туғма чиқишни даволаш учун махсус ортопедик мослама” (янги моделга патент №01285, 2018 йил) яратилди. Мазкур шина гипсли боғлам ўрнига қўлланилади.

Биринчидан, шина жуда енгил. Иккинчидан, уни қўллаш қулай, қолаверса бола парваришини енгиллаштирилади. Учинчидан, бўғимда ҳаракат сақланиб қолиши ҳисобига қон айланиш бузилмайди ҳамда турли асоратларнинг ривожланиш улуши камаёди.

Айни пайтда чанок-сон бўғими дисплазиясини ва туғма чиқишни даволаш тактикасини танлашнинг электрон дастурини амалиётга тадбиқ этишни мўлжаллаяемиз. Натижада асосиз даволашни қўллашга барҳам берилди. Биз бу мақсадга эришиш учун шогирдлар билан биргаликда икки йил аввал собиқ Инновацион ривожланиш вазирлигига лойиҳа топширишга ҳаракат қилдик, лекин натижа бўлмади.

— Агар сир бўлмаса бу қандай лойиҳа? Қачон топширгансизлар? Натижаси нима бўлди?

— Сирли жойи йўқ. Лойиҳамиз “Чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда чанок-сон бўғими дисплазиясини ва туғма чиқишини консерватив даволашнинг такомиллаштирилган янги самарадор усуллари болалар ортопедиясини амалиётга жорий этиш” деб номланади. Лойиҳани икки йил аввал топширишга ҳаракат қилиб кўрганмиз.

Бугунги кунда бир ёшгача бўлган болалар ўртасида таянч-ҳаракат аъзоларининг туғма касалликлари ўртасида чанок-сон бўғими дисплазиясини ва туғма чиқиши 73,24 фоизни ташкил этади. Бир ёшгача бўлган болаларда соннинг туғма чиқишини ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари қўлланилаётган бўлса-да, касалликни туғруқхонадаёқ эрта аниқлаб даволаш усуллари қўлланмаслик кейинги натижаларга салбий таъсир этади.

Иккинчи томондан неонатал даврда (чақалоқ туғилиб, киндиги кесилган пайдан 28-кунгача бўлган фурсат) туғруқхона шароитида касалликни эрта аниқлаш нисбатан паст (32,4—46,2 фоиз) бўлиб, даволашнинг узок натижаларида қолдиқ асоратлар улуши кўпгина тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра 48,8—62,6 фоизни ташкил этади.

Бу ҳолат касалликни эрта аниқлаб эрта даволашнинг такомиллаштирилган янги самарадор усуллари амали-

ётга жорий этишни талаб этади.

Чанок-сон бўғимининг туғма чиқиши таянч-ҳаракат аъзоларининг энг кўп тарқалган касалликларидан бўлиб чанок-сон бўғими компонентларининг ривожланишининг бузилиши билан характерланади. Мазкур касалликнинг даволаш самарадорлиги бола ёшига тескари пропорционал, яъни бола ёши улғайган сари яхши натижалар камайиб боради.

Айни пайтда чақалоклар ва кўкрак ёшидаги болаларни клиник, сонографик ва рентгенологик текшириш чора-тадбирлари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Мазкур касалликни чақалокликнинг биринчи кунлариданоқ эрта аниқлаб, эрта даволаш 84–92 фоиз яхши натижаларга эришишга имконият беради. Шунинг учун мазкур муаммо ташхислаш ва даволашнинг самарадор усуллари амалиётга жорий этишни такозо этади.

– Дунё миқёсида бу касалликни даволаш бўйича қанақа тажриба бор ва унинг самарадорлиги қандай?

– Бугунги кунда “Павлик узангиси” деб аталадиган мослама чанок-сон бўғими дисплазиясини даволашда қўлланилмоқда ва болалар ортопедиясида “олтин стандарт” деб қаралади. Ҳолбуки ёши 5–6 ойликдан сўнг болаларда “Павлик узангиси” қўлланилганда яхши натижалар улуши 50 фоиздан кам.

2005 йилда С.Ю.Волошин кўкрак ёшдаги болаларда соннинг туғма чиқишини даволашда ортопедик шина қўллади. Унинг сонни кериб турувчи асоси пружинадан иборат. Лекин мазкур шинанинг мукамал эмаслиги ва вазни оғирлиги туфайли 1–3 ойлик болаларда қўлаш қийинчилик туғдиради.

– Демак сизларнинг изланишларингиз амалга ошса, яъни “84–92 фоиз” катта натижага эришилиши кўриниб турибди. Лойихада ҳал этиладиган муаммонинг миқёси ва мураккаблиги, муаммони ҳал этишга хизмат қиладиган аниқ вазифалар нималардан иборат?

– Аввало, туғруқхоналарда чақалокларда чанок-сон бўғими дисплазиясини замонавий инструментал ташхислаш имкониятларини баҳолашимиз зарур. Шунингдек соннинг туғма чиқишини ташхислаш ва функционал даволашда дифференциаллашган ёндашув услубларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ва ниҳоят, таклиф этилган ташхислаш ва функционал даволаш усуллариининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия этиш керак бўлади.

– Лойихани қандай босқичларда амалга оширишни режалаштиргансизлар?

– Дастлабки босқич туғруқхонада чақалокларни клиник ва сонографик (ультратовуш) текширувдан ўтказиш. Мазкур изланишларни туғруқхонада амалга ошириш белгиланган. Бунда касалликни эрта аниқлаш ва функционал даволаш усуллариини эрта қўллашга имконият яратилади. Даволаш муддати қисқаради ва даволаш натижалари юқорида айтганимиздек 82–92 фоизга яхшиланади.

Кейинги босқич туғруқхонада кўрик-

дан ўтган барча болаларга бир ойдан сўнг шифохона поликлиникасида қайта кўрик тавсия этилади. Динамикада клиник ва сонографик текширув ўтказилади. Оқибатда бирламчи ва динамик кўрик натижалари солиштира таҳлил қилинади. Таҳлил натижасига кўра муолажалар коррекция қилинади ва даволаш самарадорлигини оширишга эришилади.

Учинчи босқич – шифохона поликлиникасида мурожаат қилган болалар график асосида клиник сонографик (3 ойликкача бўлган болалар) ва 3 ойликдан катта болалар рентген текширувидан ўтказилади. Бунда даволаш муолажалари солиштира таҳлил қилинади. Натижага қараб зарур муолажалар тавсия этилади. Ортопедик шиналар кўрсатмага асосан қўлланилади.

Тўртинчи босқич – туғруқхонада касаллиги аниқланган болалар 3 ойлик бўлгач рентген текшируви ўтказилади. Касаллик аниқланган ойликдан 1 ёшгача бўлган болаларга ортопедик шина тавсия этилади. Рентген текшируви асосида касаллик даражаси аниқланиб даволаш тактикаси танланади.

Бу амалиётдан кутиладиган натижа – асосиз шина ёки гипсли боғламалар қўллашга барҳам берилади. Амбулатор даволаш давлат ва оила учун иқтисодий тежамкорликка эришилади. Гипсли боғлама ўрнига функционал шина қўлланилганда бўғимларда ҳаракат сақланиб қолади ва асоратлар улуши камаёди.

Бешинчи босқичда ортопедик шина ечилгач қолдик асоратлар (ярим чиқиш ёки асептик некроз) кузатилса стационар шароитда деротацион этикча ва физиотерапия қўлланилади. Бундан кутаётган натижамиз – ҳаракат ҳажми ва бўғим мутаносиблиги тикланиб, функционал ҳаракат қисқа муддатда яхшиланади. Асоратлар улуши камаёди.

Охириги босқич – клиник, сонографик, рентгенологик текширувлар ва функционал даволаш натижалари умумлаштирилади, солиштира таҳлил қилинади. Даволашнинг яқин ва динамикадаги натижалари умумлаштирилиб таҳлил қилинади. Натижада амалиёт шифокорлари учун услубий қўлланма тайёрланади. Хорижий ва маҳаллий журналларга мақолалар, конференцияларга маърузалар тайёрланади.

– Туғма чиқишни эрта аниқлаб, уни бўлажак оқсоқликдан халос этишнинг ўзи савобнинг каттаси ҳисобланади аслида. Оилада ота-онанинг, ака-уканинг ёру дўстларнинг безовта кўнгли тинчиши, бўлғуси югур-югурларнинг, харажатларнинг бартараф этилиши... Унда лойиха нега эътиборсиз қоляпти деб ўйлайсиз? Балки иқтисодий зарари кўпдир?

– Негалигини лойихани кўриб хулоса берганлардан сўраш керак албатта. Биз сўраган маблағ, мана шу касаллик сабаб давлатнинг бюджетидан ногиронликка сарфланадиган миллиардлар олдида “денгиздан томчи” бўлиб қолади.

Тахририятдан: Шифокор олимнинг мазкур ғояси — лойихаси амалга ошса нафақат инсон саломатлиги муаммоси чақалоклигидаёқ бартараф этилади, балки давлат бюджетига катта фойда қолиши ойдинлашмоқда. Қолаверса, бу янгилик Ўзбекистон олимлари ютуғи ва тажрибаси тариқасида дунёга тарқалади, жаҳон тиббиёти тарихига ёзилади. Илмга эътибор кучаяди, “Ҳақиқий олимларимиз йўқ”, дея тадқиқотчиларга туҳмат қиляётганларнинг уни чиқмай қолади. Демак, бу масалада бугун тегишли ташкилотлардан эътибор ва муносабат кутиб қоламиз.

Лойиха натижасида давлат ғазнасида тежаладиган маблағни математикани камина каби яхши билмайдиганлар ҳам жуда осон ҳисоблай оладилар. Масалан, оқсоқлик учун давлат томонидан бериладиган ойлик нафақани бир ногироннинг бир йиллиги, бутун умрига кўпайтирингчи! Кейин ҳосил бўлган маблағни айнан шу нуқсон сабаб Республика бўйича нафақа олиши кутиляётганлар миқдори кўпайтиринг...

– Ўзбекистонда бундай туғма ногиронларнинг сони ўттиз йил аввалги санокдан камайдими ёки кўпайдими?

– Кўпайди. Ҳар мингтага 5-16 нафар тўғри келарди. Ҳозир анча кўп.

– Яна бир саволни бермасам бўлмас: чақалокнинг она қорнида оёғи чиқишига сабаб нима?

– Киевдаги таҳсилимиз даврида профессор Меженина деган устозимиз таянч-ҳаракат аъзоларининг “туғма касалликлар жамият ҳаётининг барометри, яъни турмуш қанча яхшиланса бу касаллик шунча камаёди, акс ҳолда кўпайиб кетаверади”, деганди.

– Онанинг овқатланиши билан боғлиқми бу?

– Ҳаёт тарзи билан боғлиқ – овқатланиши, меҳнати, ҳаракатланиши. Таомларимизнинг табиийликдан чекиниб, сунъийлашгани ҳам сабаб. Овқатланиш маданиятимизни тубдан яхшилашимиз зарур, яъни вақтида-меъёрда тўғри овқатланиш муҳим аҳамиятга эга. Кам ҳаракатланиш ҳам ёки оғир меҳнат ҳам соннинг туғма чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

– Сизнингча, қанча вақт белгилаш керак?

– Албатта, касбига қараб вақт белгилаш зарур. Аёл ҳомиладорлик давридаёқ оғир жисмоний меҳнатдан озод қилиниши керак. Чунки 4—5 ойлигида ҳомила она қорнида зарур шаклни олади, шу пайдан биологик ўсиш ва ривожланишнинг асосий жараёнлари бошланади. Бу даврда ҳомиладор аёлга зарур шароит яратилса, туғилажак фарзанд ақлий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлади.

– Ота-оналарга қандай эътирозларингиз бор?

– Баъзан бир кунда ўзим қирқтагача бемор қабул қиламан. Одатда уларнинг 5-6 нафари янги касал бўлади. Баъзи ота-оналар боласи бир ёш бўлганда юришни бошламас ва “вақти келиб” юриб кетар деб мутахассисларга учрашни ўзларига эп кўришмайди. Ҳатто икки ёшда ҳам юрмаган болалар бор. Оксаётганини кўргачгина олиб келишади. Бундай ҳолдан ранжийсан, албатта. Устига-устак микрохудуднинг тиббиёт ходимлари ҳам керакли маслаҳатларини беришга билимлари етишмайди ёки ота-оналарни мажбурлашга ҳадлари сиғмайди. Боланинг оқсоқ бўлиб қолиш хавфи ёши улуг хар бир фуқарони безовта қилиши зарур.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Ҳалим САИДОВ гурунглашди.

ЖАМИЯТ



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6



Дастлаб Кўкондаги маҳаллий мактаблардан бирида расм чизишдан илмга ташна болаларга сабоқ беради. Шунданми, кейинчалик маҳаллий одамлар «уста Пеньсон» дея унга мурожаат қила бошлашади. Бундан руҳланган ёш, ҳаракатчан Пеньсон ранг тасвирда ўзига илҳом берган турли жанрларда суратлар чизиб, томошабинлар эътиборини қозонади. Ўз устида мунтазам ижодий изланишлар олиб борганлиги туфайли қутилмаган натижаларни қўлга кирита бошлайди. Нафис санъат оламидаги гўзалликлар унинг ҳайрат тўла қалбини борган сайин ўзига ром эта боради. Гап шундаки, у сураткашликка қизиқиши туфайли ФЭД русумли фотокамера сотиб олади. Натижада, ўша давр қишлоқ одамлари, пахта далалари, эски тор кўчаларни тасвирга тушира бошлайди. Меҳр билан қилинган ҳаракат ўз мевасини беради.

Пеньсон олган фотосуратлар кейинчалик газета саҳифаларида босилиб чиқа бошлайди. Ниҳоят, 1933 йилда «Правда Востока» газетасининг фотомухбири сифатида ижодий фаолиятини бошлайди. Шу кундан унинг фотография соҳасидаги «юриши» бошланади. У газета топшириғи билан республика-мизнинг турли ҳудудларида қизгин ижодий иш билан банд бўлади. Асосий эътиборни давр қаҳрамонларининг янги ҳаётга интилишларини, қишлоқдаги воқеа-ҳодисаларни тасвирга олиб, тарихга муҳрлайди. Муҳими, Пеньсон ҳар бир фотолавласида воқеликка қанчалик ижодий ёндошиб чуқур кириб борилса, асардан олинган таассурот шунчалик завқли бўлишини чин дилдан ҳис этади. Бунда сюжет билан композиция уйғунлигига эришиш мақсадида, биринчилардан бўлиб, ҳаёт ҳақиқатларини бадиий ифодалашда ўзбек фотографияси-га санъат руҳини олиб қиради. Шу боис ҳам, ўша пайтдаги «Советское фото» журнали унинг юртимиз ҳаёти акс этган суратларни «бу шунчаки, фоторепортаж эмас, балки рассом бўёқда чизган картинага ўхшайди», дея унинг ижодига юқори баҳо беради. Бунга жавобан муаллиф маҳоратини тинмай ошириб бориб, ҳаётни образлар орқали фо-

тографик услубда бадиий акс этиришда фидойилик кўрсатади. У кўпроқ ҳаёт қайнаган жойда бўлар, айниқса, қишлоқдаги маданий, ижтимоий ўзгаришларни кузатиб, энг долзарб объектларни тезкорлик билан муҳрлаб, газетхонлар эътиборига ҳавола этади. Ўзбек фотографиясининг олтин фондидан жой олган афсонавий катта Фаргона канали қурилишидан ҳикоя қилувчи фотоочерк, репортажлар туркуми ўтмишни жонлантирувчи тарихий ноёб фотоҳужжат сифатида кадр-лидир. Пеньсон «фотоасарларим мени доим ҳайратга солади. Ҳар бир асарим умид рамзи сифатида дунёга келади» деганда, юз карра ҳақ эди. Ижодкор «умид рамзи» бўлган асарлари билан ўзлигига интилиб, нурли манзиллар сари ошиқади.

Кези келганда шунини айтиш керакки, дунё бадиият оламидаги энг машҳур рассомлар Рафаэль, Леонарда да Винчи, Микланжелолар ўз замонасида хотин-қизлар мавзусига кўп ва ҳўп мурожаат қилишганки, то ҳозирги кунга қадар дунё эътироф этиб келади. Жумладан, «Мадонна саъва», «Мона Лиза» каби гўзал асарлардан таралаётган турфа ранглар оҳанги қалбингизни асир этади. Гап шундаки, адабиёт тарихида машҳур ёзувчи Г.Маркеснинг «Танҳоликнинг юз йили» романи ҳаётбахш таъсири- тақлидида, жаҳон адабиётида ўнлаб ана шундай ғоявий асарлар дунёга келганлигини яхши биламиз.

Қолаверса, ижодкорнинг дунёқараши ҳаёт оқими билан бирга ўсиб, ўзгариб, шаклланиб боради. Унинг дунёқараши қанчалик шаклланган бўлса, бадиий асарлари ҳам ғоявий жиҳатдан шу қадар тиник ва равшан бўлади. Шу маънода тиниб-тинчимас бизнинг қаҳрамонимиз ҳам буюк рассомларга эргашиб, фотографияда ҳам шундай мавзуга дадил қўл ўради. Бу ҳаракати билан у гўзаллик қонуниятига риоя қилувчи санъат ҳеч қандай схематик қолипни тан олмаслигини исботлайди.

Аслида, ҳар бир ижодкор қалбида кечган энг яхши асарини яратиши билан ўзлигини топишга интилади. Бу интилиш иштиёқи уни ўз асарига қаҳрамон излашга

ундайди. Эътибор берсангиз, классик рассомларнинг жозибадор мадонналари чизилган картиналарда мурғак болакай билан бирга тасвирлангани кўрамиз. Пеньсон ҳам бутун диққатини ана шу нозик ғояга қаратади ва шу йўналишда болали оналарнинг ўн-юзлаб кадр суратларини тасвирга тушириб, синовдан ўтказди. Бироқ, бу ҳаракатлар дастлаб қутилган натижани бермайди. Барибир, «Ўзбек мадоннаси»ни яратиш истаги фотоиждокорга тинчлик бермайди. Муҳрланган суратларда «нимадир» етишмасди. Ва ниҳоят тинимсиз изланишлар, тажрибалар 1934 йили ўз самарасини беради. У олис қишлоқлардан бирида ижодий сафарда, қалбида орзу қилиб юрган ўз қаҳрамонини топади. Дастлаб ёш онани ўзини, сўнг эса қўлидаги боласини эмизиб турган ҳолатини кетма-кет тасвирга туширади. Тайёр бўлган фотоэтиюд аввал ўзи ишлаётган газета «Правда Востока»да, сўнг иттифоқ давридаги машҳур «Огонёк» журналида чоп этилади. Ўша пайтда бундай суратни матбуотда босилиб чиқиши шов-шувга сабаб бўлади. Буни қарангки, ноанъавий қилиб олинган оқ-қора рангдаги бу сурат 1938 йилда Парижда ўтказилган Халқаро фототанловнинг олий Гран-при мукофотига сазовор бўлади. Ҳайъат аъзолари фотоэтиюдга «Ўзбек мадоннаси», деб ном беришади.

Хўш, классикларнинг асарларини мазмун моҳиятини такрорлаган «Ўзбек мадоннаси» нимаси билан хорижлик томошабинларни ўзига маҳлиё қилган эди? Биламизки, чинакам санъат асари бутун кўриниши билан миллийликдан дарак бериб туриши лозим. Бу санъатнинг бевоқиф зарур шартини ҳамдир. Демак, ҳар қандай асарда миллийлик қанчалик аниқ ва чуқур тасвирланса, бадиий жиҳатдан шу қадар етук бўлади. Бошқача қилиб айтганда, миллий колорит қанчалик ёрқин ифодаланса, унда умуминсоний туйғулар шунчалик баралла янграб туради.

Худди шундай, ички кечинма таассуротни нур ва соя чизгиси маҳсули «Ўзбек мадоннаси»да кўрамиз. Уни зимдан томоша қилиб, беихтиёр мафтун бўласиз, ҳайратга туша-

Она меҳри

ёхуд бир сурат тарихи

Ўзбек фотографияси тарихида кўплаб машҳурлар ўзларидан бой маънавий мерос қолдирганки, ҳозиргача санъатимиз хазинасини нурга тўлдириб туради. Ана шундай ўз даврининг фидойи ижодкорларидан бири М.З.Пеньсондир (1893-1959). Бу ажойиб истеъдод эгаси белорус заминида туғилган бўлиб, биринчи жаҳон уруши талафотлари сабаб, тақдир тақозоси билан саховатли ўзбек диёридан қўним топади. Ўз юртида рассомчилик мактабида таҳсил олганлиги, бу ерда унга «иш» беради.



сиз. Чунки, инсоннинг соф ботиний гўзаллиги уфуриб туради ва Она образи ҳар қандай кишини фикрлашга ундайди. Буюклик - оддийликда. Оддийгина кўринган суратдаги она-бола қиёфасида қаҳрамоннинг қалб қувончлари, кутаринки руҳий кайфияти бутун бир ҳаёт маъно мазмунидан ҳикоя қилади. Мана ўша бошига ироқи дўппи кийган, самимий чехрасидан нур ёғилиб турган, эгнидаги атлас либоси ўзига ярашган, қўлида боласини энтикиб эмизаётган, фарзандига меҳр ва ним табассум-ла боқиб турган Она тимсолида инсондаги бутун гўзаллик она меҳриданлигини кўрамиз. Ижодкор асосий урғунини Шарқ аёлларига хос бўлган том маънодаги ўзбекона ифбат, ибо, чексиз оналик меҳрини боласига улашаётган, ҳаёт давомийлигига қаратади. Шунда, гўзаллик - ёш боланинг беғубор кўзлари, меҳрибон Она шундай чиройли болани ато этгани учун Яратганга ҳамду сано, шукрона айтаётгандек туюлади.

Портрет жанридаги йирик планда ишланган фотоэтиюднинг ўзига хослиги шундаки, одамларни ҳаётни севишга, бахтиёр оналик онларини юксак пардаларда куйлашга чорлаб туради. Шунингдек, фотограф сермаъно сюжетига образнинг ҳам ташқи, ҳам ички дунёсини, юзидан оналик меҳри жўш уриб турганлигини техник жиҳатдан аъло даражада бажарган. Қолаверса, рангтасвирда ранглар жарангдорлиги устунлик қилса, бу фотосуратда эса реал ҳаётнинг жозибани мўллиги, кўплиги катта аҳамият касб этган.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси